

**“BUXORO GO’SHT-SUT SAVDO” aksiyadorlik jamiyati ulgurji hududiy baza
акциядорларининг 2017 йил якунлари бўйича навбатдаги умумий йиғилиши
1-сонли БАЁНИ**

Бухоро вилояти, Бухоро шаҳри,
Когон шоссеси 10-уй

2018 йил 11 июнь

Умумий йиғилишнинг ўтиш жойи: Бухоро вилояти, Бухоро шаҳар, Когон шоссеси “BUXORO GO’SHT-SUT SAVDO” AJ UHB маъмурий биносининг мажлислар зали.

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш бошланган вақт: **10⁰⁰**

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш тугаган вақт: **11⁰⁰**

Акциядорлар умумий йиғилиш бошланган вақт: **11⁰⁰**

Жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эгалик қилувчи акциядорлар эга бўлган овозларнинг умумий сони – 553 280 дона.

Йиғилиш раиси:

Б.Рустамов

Йиғилиш котиби:

Ю.Ишматов

Йиғилишда катнашганлар: Жамиятнинг 5 нафар акциядорлари, кузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзолари

Таклиф этилганлар: Жамият бошқарув раиси И.Холов ва бошқарув аъзолари, “Прогресс -аудит”.МЧЖ вакили ҳамда бошқа масъул ходимлар.

Жамият кузатув кенгашининг 2018 йил 28 апрелдаги йиғилиш баёни қарорига асосан таклиф берилган санок комиссиясига Гафарова Нозима, Ҳамидов Фурқат, Исматова Ҳамидаларнинг номзодлари акциядорлар томонидан бир овоздан тасдиқланди.

Шундан сўнг, санок комиссияси раиси Н.Гафарова йиғилиш катнашчиларини рўйхатга олиш натижалари билан таништирди. Санок комиссияси маълумотига кўра йиғилишга катнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхатига биноан 553 280 дона овоз берувчи акция эгалари бўлган 5 нафар акциядор йиғилишда иштирок этиш учун қайд этилганлиги тўғрисида ахборот берди.

Йиғилишда кворум 100 % ни ташкил қилиб, акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилиши қарор қабул қилиш ваколатига эга.

Санок комиссияси хулосасига асосланган ҳолда Б.Рустамов, “BUXORO GO’SHT-SUT SAVDO” AJ UHB акциядорларининг йиллик умумий йиғилишини очик деб эълон қилди ва йиғилишга таклиф этилганлар Жумладан: Давлат активларини ишончли бошқарувчисининг ваколатли вакили сифатида “Ўзбекизоқовқатзахира” уюшмаси вакили Асомов Шарофидин Сайфитдинович, жамият Кузатув кенгаши ва Тафтиш комиссияси аъзолари, бошқарув аъзолари, жамият раҳбарлик органларига сайлаш учун номзоди кўрсатилган шаслар билан таништирди.

КУН ТАРТИБИ:

1. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши регламенти ва иш тартибини тасдиқлаш.

2. “BUXORO GO’SHT-SUT SAVDO” AJ UHB Бошқаруви раисининг 2017 йилдаги молия-хужалик фаолияти ва бизнес-режа кўрсаткичларини

бажаришини таъминлаш бўйича ишлари юзасидан ҳисоботи ҳамда 2018 йилдаги режалар тўғрисида.

3. “BUXORO GO’SHT-SUT SAVDO” AJ UHB Тафтиш комиссияси томонидан 2017 йилда амалга оширган ишлар юзасидан ҳисоботи ва жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш яқунларига кўра тафтиш комиссияси хулоси.

4. “BUXORO GO’SHT-SUT SAVDO” AJ UHB Кузатув кенгашининг жамиятда корпоратив бошқарув тамойилларини жорий этиш бўйича 2017 йилда амалга оширган ишлари юзасидан ҳисоботи ва 2018 йилдаги режалар тўғрисида.

5. “BUXORO GO’SHT-SUT SAVDO” AJ UHBнинг 2017 йил молия-хўжалик фаолияти яқуни бўйича йиллик ҳисоботларини, бухгалтерия балансини, фойда ва зарар ҳисоб варағини тасдиқлаш тўғрисида.

6. “BUXORO GO’SHT-SUT SAVDO” AJ UHBнинг 2017 йил фаолияти яқунлари ҳамда бошқарув фаолиятини баҳолаш мезонлари бўйича аудиторлик текшируви учун аудиторлик корхонасини ва унинг текширув хулосасини тасдиқлаш тўғрисида.

7. “BUXORO GO’SHT-SUT SAVDO” AJ UHBнинг 2017 йил молия-хўжалик фаолияти яқунлари бўйича олинган соф фойдани тақсимлаш ва дивидентларни тўлаш тартиби.

8. “BUXORO GO’SHT-SUT SAVDO” AJ UHB Бошқарув раиси билан бир йилга меҳнат шартномаси муддатини узайтириш тўғрисида.

9. 2018 йилга мўлжалланган “BUXORO GO’SHT-SUT SAVDO” AJ UHBнинг бизнес-режасини тасдиқлаш тўғрисида.

10. “BUXORO GO’SHT-SUT SAVDO” AJ UHB ташкилий тузилмасини тасдиқлаш.

11. “BUXORO GO’SHT-SUT SAVDO” AJ UHB Кузатув кенгаши аъзоларини қайта сайлаш.

12. “BUXORO GO’SHT-SUT SAVDO” AJ UHB Тафтиш комиссияси аъзоларини қайта сайлаш.

13. “BUXORO GO’SHT-SUT SAVDO” AJ UHB Бошқарув аъзоларини сайлаш.

14. “BUXORO GO’SHT-SUT SAVDO” AJ UHBнинг 2018 йилдаги молия-хўжалик фаолиятини текшириш учун “Прогресс-аудит” МЧЖ аудиторлик ташкилотни тайинлаш ва унга тўланадиган ҳақ миқдори чегарасини 5 000,0 минг сўмгача белгилаш.

15. 2017 йил яқунлари бўйича “Buxoro go`sht-sut savdo” aksiyadorlik jamiyati hududiy baza, Кузатув кенгаши аъзоларига 1500,0 минг сўмдан, Тафтиш комиссияси раисига 500,0 минг сўмдан, Кузатув кенгаши раисига ҳар ойлик _____ минг сўмдан мукофот тайинлаш.

16. Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 59 ва 75 моддаларига мувофиқ, корхонанинг бизнес-режасига 2018 йил давомида зарурат бўлганда ўзгартириш киритиш ваколатини Кузатув кенгашига бериш тўғрисида.

Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан: Йиғилиш раиси Б.Рустамов сўзга чиқиб Кузатув кенгаши томонидан белгиланган йиғилиш кун тартибини ҳамда йиғилиш регламенти ва иш тартиби бўйича таклифларни акциядорларга тақдим этди:

Амалдаги қонунга мувофиқ кун тартибидаги барча масалалар юзасидан овоз бериш бюллетенлар ёрдамида амалга оширилади ва бюллетенлар акциядорларга тарқатилган.

Йиғилиш регламенти бўйича ҳисоботлар юзасидан сўзга чиқиш учун - 10 дақиқагача, ҳисоботлар муҳокамаси учун – 5 дақиқагача, савол жавоблар учун - 3 дақиқа. Йиғилишни танафуссиз ўтказиб якунлашга келишиб олинди.

Кун тартибидаги биринчи масала Б.Рустамовнинг йиғилиш регламенти ва иш тартибини тасдиқлаш тўғрисидаги таклифлари овозга қуйди

Овоз бериш натижалари:

“Тарафдор” - 553280,

“Қарши” - йўқ

“Бетараф” - йўқ

Кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан: “BUXORO GO’SHT-SUT SAVDO” AJ UHBнинг 2017 йилдаги молия-хужалик фаолияти ва бизнес-режа кўрсаткичларини бажариши ҳамда 2018 йилдаги режалар тўғрисида И.Холовнинг ва бошқарув аъзоларининг ҳисоботи тингланди.

И.Холов ўзининг ҳисоботида 2017 йил давомида бошқарув томонидан корхонанинг барқарор ишлашини таъминлаш бўйича аниқ чоралар кўриб, қуйидаги ишларни амалга оширганини билдирди.

“BUXORO GO’SHT-SUT SAVDO” AJ UHB Бошқаруви томонидан 2017 йил давомида акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган йиллик бизнес-режада белгиланган кўрсаткичларини ҳамда “Ўзбекозиковкатзахира” уюшмасининг 2017 йилга мўлжалланган комплекс чора-тадбирлари дастурида белгиланган вазифаларни тўла-тўқис бажариш, вилоят аҳолисини, айниқса қишлоқ ва олис ҳудудлардаги аҳолини озиқ-овқат ва кундалик истеъмол моллари билан узлуксиз таъминлаш борасида ҳисобот даврида бир қатор тадбирлар амалга оширилди.

Савдо ва таъминот масалаларида қабул қилинган зарурий чора-тадбирлар йил якунлари бўйича белгиланган бизнес-режа кўрсаткичлари тўла-тўқис бажарилишига замин яратиб берди.

Ҳозирги кунда захирага жамланган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари вилоят ҳокимлиги томонидан белгиланган графикка асосан улгуржи база томонидан вилоятнинг деҳқон бозорларида ташкил этилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ярмарка савдоларида пластик карточкалар орқали арзон нархларда аҳолига етказиб берилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 28 апрелдаги “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4720-сонли Фармони ижросини таъминлаш мақсадида “Бухоро гўшт-сут савдо” улгуржи ҳудудий базаси акциядорларининг 2015 йил 26 июндаги навбатдан ташқари йиғилишида жамиятнинг янги ташкилий тузилмаси ва мазкур тузилмани жорий этиш бўйича чора-тадбирлар режаси тасдиқланди.

Янги тузилмага мувофиқ бошқарувда менеджерлар, маркетинг бўлими, логистика бўлими ва бошқа бир қатор замонавий бошқарув тизимига асосланган бўлинмалар ташкил қилинди.

Албатта, ҳозирги кунда ушбу бошқарув тизими такомиллаштириб борилмоқда ва келгусида корхона самарадорлигини оширишда асосий омиллардан бири бўлиб қолади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 27 июндаги ПҚ-1989-сонли “Ўзбекистон Республикасининг Миллий ахборот-коммуникация тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 31 декабрдаги №355-сонли қарори ҳамда “Ўзбекизоқовқатзахира” уюшмасининг топшириқларига асосан АКТ соҳасини ривожлантириш борасида “Бухороғўштсўтсавдо” улгуржи ҳудудий базасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, бошқарув бўйруғи билан АКТ соҳасига масъул ходим бириктирилди ва замонавий компьютер билан таъминланди ҳамда узлуксиз юқори тезликдаги “ЕVO” интернет тармоғига уланди. АКТ бўйича масъул ходим Тошкент Ахборот Технологиялари институтида малака ошириб қайтди. Шу билан бир қаторда айни дамда “Е-хат” тизимидан тўлиқ фойдаланиш йўлга қўйилган.

Корхонада электрон ҳужжат айланиш тизимига босқичма-босқич ўтиш ҳамда қоғозсиз ҳужжат айланишини йўлга қўйиш учун локал тармоқ мавжуд ва барча компьютерлар ушбу локал тармоққа уланди. Бу борада корхона иш режаси ишлаб чиқилган ва мазкур иш-режа асосида барча зарурий чоралар кўриб келинмоқда.

Бундан ташқари Давлат солиқ инспекциясига ҳамда Статистика бошқармасига ҳисоботларни бериш, Коммунал тўловларни амалга ошириш ва банк орқали алоқаларни электрон тарзда амалга ошириш йўлга қўйилган.

Шу билан бир қаторда улгуржи ҳудудий базанинг uz.домени ҳудудида расмий веб сайти (bgss.uz) ишга туширилган. Веб сайтни ривожлантириш ва маълумотлар базасини кенгайтириш бўйича доимий иш олиб борилмоқда.

Албатта барча амалга оширилган ишлар заминида корхона Бошқарувининг бирдамлиги ҳамда ишчи-хизматчиларнинг белгиланган вазифаларни амалга оширишда масъулият билан ёндошганлиги асосий омил бўлмоқда.

Айнан шу муносабат корхона олдида 2018 йилда турган йирик вазифаларни удаллашга, акциядорлик жамиятининг самарадорлигини оширишга, акциядорларнинг манфаатларини, айниқса дивидент олишга бўлган интилишларини тўлароқ қондиришга хизмат қилади.

2018 йилда жамият олдида бир қатор муҳим, Ҳукуматнинг ижтимоий сиёсатидан келиб чиқадиган аниқ вазифалар турмоқда. *(Ҳисобот тўлиқ матнда илова қилинади)*

Сўзга чиқган кенгаш аъзоси Ш.Т.Ҳақимов таъкидладикки, корхона бошқаруви ҳақиқатдан ҳам 2017 йилга мўлжалланган бизнес-режа кўрсаткичларини бажарилишини таъминлашда тегишли чораларни кўриб, белгиланган натижаларга эришди, барча асосий кўрсаткичлар ошиғи билан бажарилди ва акциядорларнинг дивиденд олишга манфаатлари тўла таъминланди.

Кун тартибидаги иккинчи масала И.Холовнинг 2017 йил якунлари бўйича ҳисоботини тасдиқлаш тўғрисидаги таклифлар овозга қуйди

Овоз бериш натижалари:

“Тарафдор” - 553280,

“Қарши” - йўқ

“Бетараф” - йўқ

Кун тартибидаги учинчи масала юзасидан: Тафтиш комиссиясининг 2017 йил давомида “BUXORO GO’SHT-SUT SAVDO” AJ UHB томонидан аффилиланган шахслар билан тузилган шарномалар ҳамда йирик битимларни ўрганиш тўғрисидаги ҳисоботи акциядорларга таништирилди. *(Хулосанинг тўлиқ матни баёнга илова қилинади)*

Кун тартибидаги учинчи масала муҳокама этилиб 2017 йил якуни бўйича жамият тафтиш комиссиясининг “BUXORO GO’SHT-SUT SAVDO” AJ UHB бўйича тақдим этган ўрганиш ҳисоботини тасдиқлаш тўғрисидаги таклифлар овозга қуйди

Овоз бериш натижалари:

“Тарафдор” - 553280,
“Қарши” - йўқ
“Бетараф” - йўқ

Кун тартибидаги тўртинчи масала юзасидан: Жамият Кузатув кенгашининг 2017 йил давомида амалга оширган ишлари корпоратив бошқарув тамойилларини жамиятда жорий этилиши юзасидан кузатув кенгаши раиси Б.Рустамов ҳисоботи эшитилди.

Жамиятда 2017 йил давомида 10 мартаба кузатув кенгаши йиғилишлари ўтказилган бўлиб, йиғилишларда бир қатор жамият фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган масалалар, жумладан: жамият фаолиятини янада ривожлантириш, кенгайтириш бўйича банк кредитларини олишга руҳсат бериш, жамият бошқарув раисининг 2017 йил бизнес-режа кўрсаткичлари бажарилиши ва ундаги муаммолар ва бошқа масалалар доимий равишда муҳокама қилиб борилди.

Жамиятда корпоратив бошқарув тамойилларини жорий этилиши бўйича мавжуд норматив ҳужжатлар ва янги қабул қилинган қарорлар бошқарув органи аъзолари билан биргаликда ўқиб ўрганилди.

Кун тартибидаги тўртинчи масала муҳокама этилиб Кузатув кенгашининг 2017 йил давомида амалга оширган ишлари корпоратив бошқарув тамойилларини жорий этилиши юзасидан Б.Рустамовнинг берган ҳисоботини тасдиқлаш тўғрисидаги таклифлар овозга қуйди

Овоз бериш натижалари:

“Тарафдор” - 553280,
“Қарши” - йўқ
“Бетараф” - йўқ

Кун тартибидаги бешинчи масала юзасидан: “BUXORO GO’SHT-SUT SAVDO” AJ UHBнинг 2017 йил молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича йиллик ҳисоботларини, бухгалтерия балансини, фойда ва зарар ҳисоб варағини тасдиқлаш тўғрисида жамият бош ҳисобчиси сўзга чиқиб, жамиятнинг бухгалтерия баланси, молиявий натижалар, мавжуд дебитор ва кредитор қарздорликлар тўғрисида гапирди. *(Жамиятнинг баланси ва молиявий натижалари илова қилинади)*

Кун тартибидаги бешинчи масала муҳокама этилиб жамиятнинг 2017 йил йиллик ҳисоботларини, бухгалтерия балансини, фойда ва зарар ҳисоб варағини тасдиқлаш тўғрисидаги таклифлар овозга қуйди

Овоз бериш натижалари:

“Тарафдор” - 553280,
“Қарши” - йўқ
“Бетараф” - йўқ

Кун тартибидаги олтинчи масала юзасидан: жамият бошқарув раиси ўринбосари Р.Алиев сўзга чиқиб “BUXORO GO’SHT-SUT SAVDO” AJ UHBнинг 2017 йил фаолияти якунлари бўйича ташки аудиторлик текшируви учун “Прогресс-аудит” МЧЖ аудиторлик корхонаси томонидан текшириш ўтказилганлиги ва жамиятнинг 2017 йил молиявий хўжалик фаолияти якунлари бўйича ижобий хулоса берилганлиги тўғрисида ҳисобот бериди.

(Аудиторлик корхонаси томонидан берилган хулоса баёнга илова қилинади)

Кун тартибидаги олтинчи масала муҳокама этилиб жамиятнинг 2017 йил молиявий хўжалик фаолияти якунлари бўйича аудиторлик (Прогресс-аудит МЧЖ) корхонасини ва унинг берган ижобий хулосасини тасдиқлаш тўғрисидаги таклифлар овозга қуйди

Овоз бериш натижалари:

“Тарафдор” - 553280,

“Қарши” - йўқ

“Бетараф” - йўқ

Кун тартибидаги еттинчи масала юзасидан: “BUXORO GO’SHT-SUT SAVDO” AJ UHBнинг 2017 йил молия-хўжалик фаолияти якунлари бўйича олинган соф фойдани тақсимлаш ва дивидендларни тўлаш бўйича, кузатув кенгаши аъзоси Ш.Ҳакимов сўзга чиқиб жамият кузатув кенгашининг 2018 йил 28 апрелдаги йиғилиши қарорига асосан, 2017 йил якунларига бўйича “BUXORO GO’SHT-SUT SAVDO” AJ UHB томонидан олинган 1 001 814 000 сўм соф фойдани қуйидагича тақсимлаш:

1.1 Соф фойданинг 510 592 200 сўмини ёки 50,96 фоизини дивидендларга йўналтириш. Ўртача бир акцияга ҳисобланадиган дивиденд 865 сўми ташкил қилади, бу эса имтиёзли акцияларга белгиланган дивиденд миқдоридан (290,75 сўм) кўп бўлганлиги сабабали жамият Уставининг 10.4 моддасига асосан имтиёзли акцияларга оддий акцияларга ҳисобланадиган дивидендлар тўланади. Натижада дивидендлар қуйидагича тақсимланади:

А) Имтиёзли акцияларга 32 005 000 сўм;

Б) Оддий акцияларга 478 587 200 сўм, жумладан:

- давлат активлари бўйича 157 430 000 сўм;

- қолган оддий акция эгаларига 321 157 200 сўм

Дивидендлар пул маблағлари билан тўланади.

1.2 Соф фойданинг қолган 49,04 фоиз, 491 221,8 минг сўми жамғарилган (тақсимланмаган) фойда ҳисобига йўналтириш.

1.3 Дивидендлар пул маблағлари билан тўланади.

Кун тартибидаги еттинчи масала муҳокама этилиб жамиятнинг 2017 йил молиявий хўжалик фаолияти якунлари бўйича олинган соф фойдани тақсимлаш бўйича билдирилган таклифлар овозга қуйди

Овоз бериш натижалари:

“Тарафдор” - 553280,

“Қарши” - йўқ

“Бетараф” - йўқ

Кун тартибидаги саккизинчи масала юзасидан: йиғилиш раиси Б.Рустамов сўзга чиқиб, “BUXORO GO’SHT-SUT SAVDO” AJ UHB бошқарув раиси билан бир йилга меҳнат шартномаси муддатини узайтириш бўйича кузатув кенгаши томонидан 2018 йил 28 апрелда ўтказилган йиғилишда бошқарув раиси фаолияти қониқарли баҳоланиб, ушбу масала бўйича “BUXORO GO’SHT-SUT SAVDO” AJ UHB бошқарув раиси И.Х.Холов билан бир йилга меҳнат шартномаси муддати узайтирилсин деган таклиф киритилганлиги тўғрисида гапирди.

Шу билан бир қаторда, Ўзбекистон Республикаси Давлат Рақобат қўмитаси ҳузуридаги “Давлат активларини бошқариш маркази”нинг жамият устав фондидаги давлат улуши бўйича овоз бериш учун 2018 йил 7 июндаги 02/06-1889-сонли кўрсатма хатида ҳам бошқарув раиси билан меҳнат шартномасини бир йил муддатга узайтириш кўрсатилган.

Кун тартибидаги саккизинчи масала муҳокама этилиб жамият бошқарув раиси билан бир йилга меҳнат шартномасини узайтириш бўйича билдирилган таклифлар овозга қуйди

Овоз бериш натижалари:

“Тарафдор” - 553280,
“Қарши” - йўқ
“Бетараф” - йўқ

Кун тартибидаги тўққизинчи масала юзасидан: жамият бошқарув раиси ўринбосари Р.Алиев сўзга чиқиб 2018 йилга мўлжалланган “BUXORO GO’SHT-SUT SAVDO” AJ UHBнинг бизнес-режаси, 2017 йил 24 ноябридаги Кузатув кенгашининг қарори билан маъқулланганлиги ва 2018 йилга мўлжалланган бизнес-режаси акциядорларга тақдим этиб, унинг асосий кўрсаткичлари тўғрисида батафсил ахборот берилди. *(Жамиятнинг 2018 йил бизнес-режаси илова этилади).*

Кун тартибидаги тўққизинчи масала муҳокама этилиб жамиятнинг 2018 йилга мўлжалланган бизнес-режасини тасдиқлаш тўғрисида таклифлар овозга қуйди

Овоз бериш натижалари:

“Тарафдор” - 553280,
“Қарши” - йўқ
“Бетараф” - йўқ

Кун тартибидаги ўнинчи масала юзасидан: жамият кузатув кенгаши аъзоси Ш.Ҳақимов сўзга чиқиб, “BUXORO GO’SHT-SUT SAVDO” AJ UHB ташкилий тузилмаси билан йиғилиш иштирокчиларини таништирди ва берилган саволларга батафсил жавоб қайтарилди. *(Жамиятнинг ташкилий тузилмаси илова қилинади)*

Кун тартибидаги ўнинчи масала муҳокама этилиб жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш тўғрисида таклифлар акциядорлар овозига қуйди

Овоз бериш натижалари:

“Тарафдор” - 553280,
“Қарши” - йўқ
“Бетараф” - йўқ

Кун тартибидаги ўн биринчи масала юзасидан: йиғилиш раиси Б.Рустамов сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун талабларига

мувофиқ Кузатув кенгаши аъзолари бир йил муддатга сайланиши, шунингдек жамият кузатув кенгаши таркибига сайланган шахсларнинг қайта сайланишлари чекланмаганлиги маълумот сифатида акциядорларга етказди.

Жамият кузатув кенгашига қуйидаги номзодлар акциядорларнинг таклифларига асосан киритилган.

1. Гайбулов Абдулло Насуллаевич
2. Асамов Шарофидин Сайфидинович
3. Ким Юрий Иванович
4. Хакимов Шухрат Темурович
5. Рахматов Алишер Бахшиллаевич
6. Рустамов Бахтиёр Равшанович

Кун тартибидаги ўн биринчи масала муҳокама этилиб жамиятнинг кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш тўғрисида таклифлар акциядорлар овозига қуйди

1. Гайбулов Абдулло Насуллаевич	494450
2. Асамов Шарофидин Сайфидинович	454650
3. Ким Юрий Иванович	130350
4. Хакимов Шухрат Темурович	591250
5. Рустамов Бахтиёр Равшанович	681600
6. Рахматов Алишер Бахшиллаевич	414100

Кун тартибидаги ўн иккинчи масала юзасидан: йиғилиш раиси “BUXORO GO’SHT-SUT SAVDO” AJ UHB тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун ҳамда жамиятнинг янги таҳрирдаги Уставга мувофиқ амалга оширилиши тўғрисида гапирди.

Жамият Уставига мувофиқ тафтиш комиссияси уч нафар аъзодан иборат бўлиши Уставда белгиланган.

Жамият тафтиш комиссиясига қуйидаги номзодлар акциядорларнинг таклифларига асосан, кузатув кенгаши 2018 йил 9 февралдаги йиғилишида кўриб чиқилган ва тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш учун 3 нафар номзодлар киритилган:

- Нартажиев Содик
Отабаев Ахмад Юсупович
Сафаров Шерали

Кун тартибидаги ўн иккинчи масала муҳокама этилиб жамиятнинг тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш тўғрисида таклифлар акциядорлар овозига қуйди

Жамият акциядорлари томонидан 3 та номзодлар ҳам тўлиқ сайланди.

- | | |
|------------------------|----------|
| Нартажиев Содик | Тарафдор |
| Отабаев Ахмад Юсупович | Тарафдор |
| Сафаров Шерали | Тарафдор |

Кун тартибидаги ўн учинчи масала юзасидан: “BUXORO GO’SHT-SUT SAVDO” AJ UHB бошқарув аъзолигига акциядорлар томонидан билдирилган таклифлар 2018 йил 9 февралда кузатув кенгаши йиғилишида муҳокама қилиниб қуйидаги номзодлар киритилган.

- Алиев Рахмат Гулямович
Ибодуллаев Рустам Рахманович
Абдуллаева Луиза Юсуповна
Рўзиев Фатулло Шукруллаевич

Кун тартибидаги ўн учинчи масала муҳокама этилиб жамиятнинг бошқарув аъзолигига кўрсатилган номзодлар акциядорлар овозига қуйди ва бир овоздан сайланди.

Алиев Рахмат Гулямович
Ибодуллаев Рустам Рахманович
Абдуллаева Луиза Юсуповна
Рўзиев Фатулло Шукруллаевич

Кун тартибидаги ўн тўртинчи масала юзасидан: йиғилиш раиси “BUXORO GO’SHT-SUT SAVDO” AJ УНВ нинг 2018 йил молиявий - хўжалик фаолиятини текшириш учун аудиторлик ташкилотни танлаш ва унга тўланадиган ҳақ миқдори чегарасини белгилаш лозимлиги тўғрисида фикр билдирди.

Кузатув кенгашининг таклифи қуйидагича: жамиятнинг 2018 йил молия-хўжалик фаолиятини текшириш учун “PROGRESS AUDIT” МЧЖ аудиторлик корхонасини танлаш ва унга тўланадиган ҳақ миқдори 5 000,0 минг сўмгача белгилаш. (*Лицензия илова этилади*).

Кун тартибидаги ўн тўртинчи масала муҳокама этилиб жамиятнинг 2018 йил фаолиятини ташқи аудиторлик текширувидан ўтказиш учун “Прогресс-аудит” МЧЖ аудиторлик корхонасини танлаш ва унга тўланадиган ҳақ миқдори чегарасини 5 000,0 минг сўмгача қилиб белгилаш тўғрисидаги таклифларни тасдиқлаш овозга қуйилди

Овоз бериш натижалари:

“Тарафдор” - 553280,
“Қарши” - йўқ
“Бетараф” - йўқ

Кун тартибидаги ўн бешинчи масала юзасидан: йиғилиш раиси Кузатув кенгаши ўзининг ваколатларидан келиб чиққан ҳолда Тафтиш комиссияси раисига 2017 йилги фаолияти учун 500,0 минг сўм мукофот тайинлаш таклифини киритганлигини билдириб, Кузатув кенгаши аъзоларига мукофот бериш ва унинг миқдори акциядорларнинг ўзлари ҳал этишлари мумкинлигини айтди.

Акциядорлар томонидан 5 нафар Кузатув кенгашининг аъзоларига 1 500,0 минг сўмдан бир марталик ва кузатув кенгаши раисига акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишига қадар бўлган муддатда ҳар ойда 500,0 минг сўмдан мукофот пули белгиланиши тўғрисида таклифларини билдирдилар ва бу таклиф бюллетенга киритилди.

Кун тартибидаги ўн бешинчи масала муҳокама этилиб жамиятнинг кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига мукофот тайинлаш бўйича таклифларни тасдиқлаш овозга қуйилди

Овоз бериш натижалари:

“Тарафдор” - 553280,
“Қарши” - йўқ
“Бетараф” - йўқ

Кун тартибидаги ўн олтинчи масала юзасидан: Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 59 ва 75 моддаларига мувофиқ, корxonанинг бизнес-

режасига 2017 йил давомида зарурат бўлганда ўзгартириш киритиш ваколатини Кузатув кенгашига бериш тўғрисида.

аъкидландики, бизнес-режа кўрасткичларини бажарилишини таъминлаш, ижтимоий муҳим озиқ-овқат моллари (ун, ўсимлик ёғи ва шакар)ни ажратиладиган ҳажмлари билан бевосита уларнинг ўзгарувчанлиги билан боғлиқ бўлгани сабабли режага ўз вақтида ўзгартиришлар киритиш масаласини олдинга сурмоқда ва бу ваколат акциядорлар умумий йиғилиши томонидан Кузатув кенгашига вақтинча берилиши мақсадга мувофиқ.

Кун тартибидаги ўн олтинчи масала муҳокама этилиб, таклифларни тасдиқлаш овозга қуйилди

Овоз бериш натижалари:

“Тарафдор” - 553280,

“Қарши” - йўқ

“Бетараф” - йўқ

**Кун тартибига киритилган масалалар атрофида муҳокама қилиниб,
“BUXORO GO’SHT-SUT SAVDO” AJ UHB таъсисчиларининг
2017 йил молия-хўжалик фаолияти яқунлари бўйича
навбатдаги йиллик ҳисобот умумий йиғилиши
ҚАРОП ҚИЛАДИ:**

1. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши регламенти ва иш тартиби тасдиқлансин.

2. “BUXORO GO’SHT-SUT SAVDO” AJ UHB бошқаруви раиси И.Холовнинг 2017 йил бизнес-режа кўрсаткичлари бажарилиши юзасидан берган ҳисоботи тасдиқлансин ва 2018 йил жамият бизнес-режа кўрсаткичларини бажариш бўйича ортиқча харажатларни камайтириш топширилсин.

3. “BUXORO GO’SHT-SUT SAVDO” AJ UHB Тафтиш комиссияси томонидан 2017 йилда амалга оширган ишлар юзасидан ҳисоботи ва жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш яқунларига кўра хулоси тасдиқласин.

4. “BUXORO GO’SHT-SUT SAVDO” AJ UHB Кузатув кенгашининг жамиятда корпоратив бошқарув тамойилларини жорий этиш бўйича 2017 йилда амалга оширган ишлари юзасидан ҳисоботи ва 2018 йил режалари тасдиқлансин.

5. “BUXORO GO’SHT-SUT SAVDO” AJ UHBнинг 2017 йил молия-хўжалик фаолияти яқуни бўйича йиллик ҳисоботлари, бухгалтерия баланси, фойда ва зарар ҳисоб варағи тасдиқлансин.

6. “BUXORO GO’SHT-SUT SAVDO” AJ UHBнинг 2017 йил фаолияти яқунлари бўйича “Прогресс аудит” МЧЖ аудиторлик корхонаси томонидан текширилганлиги ва унинг берган ижобий хулосаси тасдиқлансин.

7. “BUXORO GO’SHT-SUT SAVDO” AJ UHBнинг 2017 йил молия-хўжалик фаолияти яқунлари бўйича олинган соф фойдани тақсимлаш ва дивидентларни тўлаш тартиби қуйидагича тасдиқлансин.

7.1 Соф фойданинг 510 592 200 сўмини ёки 50,96 фоизини дивидендларга йўналтириш. Ўртача бир акцияга ҳисобланадиган дивиденд 865 сўмни ташкил қилади, бу эса имтиёзли акцияларга белгиланган дивиденд миқдоридан (290,75 сўм) кўп бўлганлиги сабабали жамият Уставининг 10.4 моддасига асосан имтиёзли акцияларга оддий акцияларга ҳисобланадиган дивидендлар тўланади. Натижада дивидендлар қуйидагича тақсимланади:

А) Имтиёзли акцияларга 32 000 751,055 сўм;

Б) Оддий акцияларга 478 523 663,34 сўм, жумладан:

- давлат активлари бўйича 157 409 099,12 сўм;

- қолган оддий акция эгаларига 321 114 563,56 сўм

Дивидендлар пул маблағлари билан тўланади.

7.2 Соф фойданинг қолган 49,04 фоиз, **491 289,58** минг сўми жамғарилган (тақсимланмаган) фойда ҳисобига йўналтириш.

Дивидендлар тўлови 2018 йил 1 июлдан бошлаб 2018 йил 11 августга қадар тўлаб берилиши таъминлансин.

8. “BUXORO GO’SHT-SUT SAVDO” AJ UHB бошқарув раиси Холов Ибодулло Ҳамитович билан бир йил муддатга меҳнат шартномаси муддати узайтирилсин.

9. “BUXORO GO’SHT-SUT SAVDO” AJ UHB 2017 йилга мўлжалланган бизнес-режаси кўрсаткичларини ошиғи билан бажарилганлиги сабабли, бошқарув раиси ва аъзоларига “Бошқарув тўғрисида”ги Низомга мувофиқ мукофотлаш учун асос қилиб олинган ойлик маошларининг икки баробари миқдорида рағбатлантириш шаклида компенсация тайинлансин, меҳнат жамоасининг қолган аъзолари ойлик маошларининг бир баробари миқдорида мукофотлаш бошқарувга тавсия этилсин. Рағбатлантириш маблағлари манбаи сифатида тақсимланмаган фойдадан фойдаланишга руҳсат берилсин.

10. “BUXORO GO’SHT-SUT SAVDO” AJ UHBнинг 2018 йилга мўлжалланган бизнес-режаси билдирилган таклифларни инобатга олган ҳолда тасдиқлансин.

11. “BUXORO GO’SHT-SUT SAVDO” AJ UHB ташкилий тузилмаси тасдиқлансин.

12. “BUXORO GO’SHT-SUT SAVDO” AJ UHB Кузатув кенгаши аъзолари таркибига

1. Гайбулов Абдулло Насуллаевич

2. Раҳматов Алишер Бахшиллаевич

3. Асамов Шарофидин Сайфидинович

4. Ҳакимов Шухрат Темурович

5. Рустамов Бахтиёр Равшановичлар сайлансин.

13. “BUXORO GO’SHT-SUT SAVDO” AJ UHB Тафтиш комиссияси таркибига қуйидаги номзодлар

1. Нартажиев Содик

2. Отабаев Аҳмад Юсупович

3. Сафаров Шерали сайлансин.

14. “BUXORO GO’SHT-SUT SAVDO” AJ UHB Бошқарув аъзолари тарихига қуйидаги номзодлар

1. Алиев Раҳмат Гулямович

2. Ибодуллаев Рустам Раҳманович

3. Абдуллаева Луиза Юсуповна

4. Рўзиев Фатулло Шукруллаевич сайлансин.

15. “BUXORO GO’SHT-SUT SAVDO” AJ UHBнинг 2018 йил молия-ҳўжалик фаолиятини текшириш учун “Прогресс-аудит” МЧЖ аудиторлик корхонаси тасдиқлансин ва унга тўланадиган ҳақ миқдори чегараси 5 000,0 минг сўмгача қилиб белгилансин.

16. 2017 йил якунлари бўйича “Buxoro go`sht-sut savdo” aksiyadorlik jamiyati hududiy baza, Кузатув кенгаши аъзоларига 1500 минг сўмдан бир марталик ҳамда

акциядорларнинг кейинги умумий йиғилишига қадар қузатув кенгаши раисига 500,0 минг сўмдан ойлик иш ҳақи тўлаб борилсин.

- Тафтиш комиссияси раисига 500 минг сўм мукофот тайинлансин.


17. Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 59 ва 75 моддаларига мувофиқ, корхонанинг бизнес-режасига 2017 йил давомида зарурат бўлганда ўзгартириш киритиш ваколати Қузатув кенгашига берилсин.

18. Мазкур йиғилиш қарори ижросини таъминлаш жамият бошқарув раиси И.Холов зиммасига юклатилсин ва қарор ижроси юзасидан амалга оширилган ишлар тўғрисида ҳамда жамиятнинг фаолияти бўйича ҳар чорак якунида қузатув Кенгашига ҳисобот бериб борсин.

19. Мазкур баён ижросини назорат қилиш жамият қузатув Кенгаши зиммасига юклатилсин.

Баённома 2018 йил 20 июн куни 2 нусхада тузилиб имзоланди.

Йиғилиш раиси



Б.Рустамов

Йиғилиш котиби:



Ю.Ишматов